



Volume: 04 Issue: 07 | 2023 ISSN: 2660-454X

<https://cajitmf.centralasianstudies.org>

Худудий Меҳнат Бозорини Давлат Томонидан Тартибга Солиш Самарадорлигини Баҳолаш Усуллари

¹ PhD., Н. Ш. Мансурова

Received 16th May 2023,

Accepted 19th Jun 2023,

Online 12th Jul 2023

¹ “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университети, Илмий тадқиқотлар бўлими бошлиғи

Аннотация: Мазкур мақолада меҳнат бозорини тартибга солиш даражаси ва меҳнат воситачилиги, иш билан банд бўлмаганларга кўмаклашиш самарадорлиги ва ишсизларни ишга жойлаштиришни тавсифловчи кўрсаткичлар ҳамда меҳнат бозоридаги умумий ҳолат устидан иш билан бандлик хизматини назорат этиш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили амалга оширилган.

Калит сўзлар: меҳнат бозори, ташкилий-иқтисодий механизм, иш билан бандлик.

Иш билан бандлик соҳасидаги фаолиятнинг асосий йўналишларини баҳолаш кўрсаткичлари меҳнат бозорида амалга ошириладиган сиёсатнинг объектив натижаси ҳисобланади. Уларга: меҳнат бозорини тартибга солиш бўйича чоралар ва ишсизларни иш билан таъминлаш, махсус чоралар, меҳнат бозорига мослашув ва иш билан бандликка кўмаклашиш чоралари ва дастурлари, фаол иш билан бандлик тадбирлари, рўйхатдан ўтган ишсизларга ижтимоий кафолатлар, иш билан бандликка кўмаклашиш дастурларида кўрсатилган тадбирларни ташкилий-иқтисодий жиҳатдан таъминлаш кабилар тегишлидир.

Амалий жиҳатдан татбиқ этишни акс эттирувчи миқдор ва сифат кўрсаткичлари ҳамда индикаторлари жойларда иш билан бандлик сиёсати самарадорлигини ошириш ва бошқаришни такомиллаштириш тадбирларига тузатишлар киритиш мақсадида иш билан бандлик хизмати органларининг асосий бўғинларида ташкил этиш, режалаштириш ва назорат қилиш бўйича ишларда фойдаланиш мумкин.

Иш билан бандлик даражасини ошириш бўйича ташкилий-иқтисодий механизмни такомиллаштириш базасида ва самарадорликни баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш учун асосийси бўлиб, қуйидаги асосий масалаларга жавоб олиш учун шакллантириш зарур бўлган стратегик мақсадларни тўғри англаш керак: қайси фаолият йўналишлари ривожланиши зарур, меҳнат бозорини тартибга солишдаги эҳтиёжлар ва худудий аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари ресурслари наимлардан иборат бўлиши, танланган йўналишлар бўйича имкон даражасида қайтимнинг мавжудлиги.

Иш билан бандлик стратегиясининг мазмуни ва қўйилган масалалар тавсифи меҳнат бозоридаги ҳолатнинг батафсил таҳлили ва ижтимоий ҳамкорликнинг ривожланиш даражасига асосланиши зарур.

Иш билан бандликни таъминлашнинг стратегик мақсадларига эришиш учун муҳим йўналиш сифатида молиявий ресурслардан самарали фойдаланишга йўналтирилган вазифаларни аниқлаш ва амалга ошириш ҳисобланади.

Иш билан бандлик хизматида (I_{bx}) иш қидираётганларни ишга жойлаштиришга молиявий харажатларини қоплаш қуйидаги формула бўйича ҳисобланади: [1]

$$I_{bx} = \frac{P_{st}}{J_t} \times 12, (1.1.)$$

бу ерда: P_{st} – ишга жойлаштирилганларнинг меҳнат фаолиятдан потенциал солиқ тўшумлари;

J_t – ишга жойлаштириш бўйича харажатлар; 12 – йилда ойлар сони.

Шаҳар ва туманлар аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларининг ташкилий таркиби иш берувчилар билан бирга ҳудуднинг барча аҳолисини фаолият кўринишлари бўйича тўлиқ қамраб олувчи таркибий қисмлар сифатида тавсифланади. Бундай таркибий тузилмалар иш билан бандликни таъминлаш бўйича фаолиятларни режалаштиришнинг марказий масалаларидан бирини назарда тутувчи бўлиб, улар фаолият йўналишлари билан стратегик мақсадлар сифатида шаклландувчи натижаларни боғловчи ва асосий стратегик мақсадларга эришишни таъминлашга йўналтирилган ҳисобланади.

Бу тадбир иш билан бандлик дастурларини ишлаб чиқиш жараёни доирасида ресурсларни тақсимлаш босқичида амалга оширилади. Хусусан, асосий тадбирлар блокинни шаклланиши ва тартибини таъминлаш, функционал ва ҳудудий бўлимлар мувофиқлиги ўртасида ресурсларни тақсимлаш зарур. Улар ўртасида асосий тадбирларни танлаш ва ресурсларни тақсимлаш босқичида қабул қилинаётган қарорларда алоҳидаликдан қочишни назарда тутувчи шаффоф режалаштиришни таъминлаши керак. Мазкур жараёнга мувофиқ ҳолда таркибий қисм бошқа функционал хизматлар билан кооперацияни назарда тутувчи ўзининг фаолиятини режалаштиради.

Давлат иш билан бандлик хизмати фаолияти самарадорлигини унинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда амалда ўлчаш меҳнат бозорида кўплаб параметрлар бўйича ишончли маълумотларнинг мавжуд эмаслиги, ижтимоий ва иқтисодий мезонларни қўллашнинг мураккаблиги, миқдор ва сифат кўрсаткичларни танлаш ва таснифлашдаги қийинчиликлар билан алоқадорликда етарлича мураккаб таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун, тизимни ишлаб чиқиш жараёнида ҳам ўлчов (оператив маълумотларни бевосита таҳлил қилиш базасида катта харажатларни талаб этмайдиганларни олиш) сифатида мақсадга мувофиқ фойдаланиш, ҳам фаол иш билан бандлик сиёсатининг умумий мақсадларини ҳисобга олган ҳолда марказ иши самарадорлигини баҳолашга ҳаракат қилиш керак.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ҳудудий аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларини республикамизнинг бошқа ташкилотлари фаолияти билан атрофлича баҳолаш бўйича таққослашнинг аниқ мезони мавжуд эмас. Шунинг учун, ҳудудлар аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари фаолиятининг натижаларини таққослаш бўйича кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш зарур. Шунга кўра, қуйидаги кўрсаткичларнинг тавсифига эътиборимизни қаратсак:

1. Иш қидираётганларнинг иш билан бандлик хизматида талаб этилганлик даражаси (T_r):

$$T_r = \left(\frac{M_I}{IFA} \right) \times 100, \quad (1.2)$$

бунда: M_I (киши ҳисобида) – иш билан бандлик хизматига мурожаат қилган фуқаролар сони;
 IFA – иқтисодий фаол аҳоли сони.

2. Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ёрдами билан ишга жойлаштириш даражаси (I_{jd}).

$$I_{jd} = \frac{W_k}{K_{iq}} \times 100, \quad (1.3)$$

бунда: W_k (киши ҳисобида) – иш билан бандлик хизмати органлари кўмаги билан ишга жойлашганлар сони;

K_{iq} (киши ҳисобида) – ҳудуд корхоналарига ишга қабул қилинганлар сони.

Ишсизларни иш билан бандлигини таъминлаш масаласи иш берувчилар ва ишсизлар ўртасида ўзаро келишувга асосланган муросавий муносабатлар шаклланишини намоён этади. Муросавий муносабатларни баҳолаш мезони иш берувчилар ва ишсизлар талабини қондириш имкониятлари билан белгиланади. Бу эса, аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари самарадорлигини баҳолаш учун иш берувчилар ва ишсизлар талабини қондирилиш даражасини аниқлаш зарур.

Ҳудудий меҳнат бозорининг ривожланиш ҳолатига кўра, қуйидаги кўрсаткичларни давлат иш билан бандлик хизмати фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари қуйидаги формулада ўз аксини топган: [2]

3. Худудий меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва таклиф нисбатининг мувофиқ эмаслиги даражаси (M_d).

$$M_d = \frac{B_s \times 100}{I_s}, \quad (1.4)$$

бунда: B_s (минг киши) – давлат иш билан бандлик хизмати ҳисобида мавжуд бўш иш жойлари сони;

I_s – давлат иш билан бандлик хизмати рўйхатидаги ишсизлар сони.

4. Иш изловчи фуқароларни ишга жойлаштириш коэффициенти (K_{ij}).

$$K_{ij} = \frac{M_{ij} \times 100}{T_{is}}, \quad (1.5)$$

бунда: M_{ij} (минг киши) – иш билан бандлик хизматига иш топиш мақсадида мурожаат қилган фуқаролардан ишга жойлашганлари сони;

T_{is} (минг киши) – иқтисодиёт тармоқларида ишлайдиганлар сони.

5. Худудий меҳнат бозорини қамраб олиш даражаси.

а) мавжуд бўш иш жойлари сони бўйича (Q_d):

$$Q_d = \frac{B_s \times 100}{I_k}, \quad (1.6)$$

бунда: B_s (минг киши) – ҳисобот даврида мавжуд бўш иш жойлари сони;

I_k (минг киши) – ҳисобот даврида иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларида жами ишга қабул қилинганлар сони.

б) Корхона ва ташкилотларга жалб этилганлар сони бўйича (Q_{korx}):

$$Q_{korx} = \frac{K_s \times 100}{K_{jami}}, \quad (1,7)$$

бунда: K_s – давлат иш билан бандлик хизматига бўш иш жойларини таклиф этган корхоналар сони;

K_{jami} – ҳудуддаги фаолият юритаётган жами корхоналар сони.

6. Давлат иш билан бандлик хизматига мурожаат қилиш коэффиценти (K_M).

$$K_M = \frac{M_r \times 100}{M_{ud}}, \quad (1,8)$$

бунда: M_r (минг киши) – жорий даврда иш билан бандлик хизматига мурожаат қилганлар сони;

M_{ud} (минг киши) – ўтган даврда иш билан бандлик хизматига мурожаат қилганлар сони.

7. Корхоналарда мавжуд иш жойларига талабни қаноатлантириш даражаси. Корхоналарда иқтисодий жиҳатдан нуфуз даражасига кўра мақсадга мувофиқ бўлмаган мавжуд иш жойларининг аниқ миқдорини ифодалайдиган кўрсаткич (I_{mb}).

$$I_{mb} = \frac{I_g \times 100}{I_Q}, \quad (1,9)$$

бунда: I_g – корхоналарда қаноатлантирмайдиган иш жойлари сони;

I_Q – корхоналарда қаноатлантирадиган иш жойлари сони.

Ушбу кўрсаткичнинг ошиб бориши корхона учун салбий натижаларга ва норасмий иш ўринларини ўсишига олиб келади. Бу кўрсаткичнинг коэффиценти 0,5 га тенглашганда, субъект фаолияти таҳлилига кўра хулоса чиқариб, иқтисодий нуқтаи назардан самарали бўлмаган иш жойларини камайтириш зарур.

Иш билан бандликка кўмаклашишда фаол сиёсат самарадорлигини баҳолаш тизимини ишлаб чиқишда ҳаракатларнинг муайян кетма-кетлигига риоя қилиш зарур. Биринчидан, қабул қилинган ҳаракат йўналишининг натижаларини баҳолаш керак бўлган вақт ўлчовларини аниқлаш зарур. Иш билан бандлик соҳасида сиёсатни амалга ошириш воситаси сифатида йиллик иш билан бандлик дастурини тузишда нафақат йил давомида кузатиш ва баҳолашдан фойдаланиш, балки олдингиларни ҳам ҳисобга олиш керак.

Иккинчидан, таҳлил натижасида аниқланадиган ўзгарувчиларни (ишга жойлаштирилганлар сони, рўйхатга олинган ишсизлар ва б.) кўрсатиш керак.

Учинчидан, аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларининг назорати остида бўлмаган (ишдан бўшатилаётган ишчиларнинг умумий сони ва таркиби, бўш иш жойлари банкининг ҳолати ва динамикаси ва б.) муайян ўзгарувчан чораларни кўриш ҳамда уларнинг фаолият самарадорлигига жиддий тарзда таъсир кўрсатувчи ўзгарувчан, яъни критик параметрларни аниқлаш жуда муҳимдир.

Бизнинг фикримизча, ишлаб чиқиладиган мезонлар ва кўрсаткичлар тизими меҳнат ва иш билан бандлик статистикасига асосланиши керак ва улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- иш билан бандлик ва иишчи кучи ҳаракатининг ҳисобот давридаги ва амалдаги кўрсаткичлари, меҳнат бозори индикаторлари ва ишсизлик динамикаси;
- меҳнат бозори ва меҳнат воситачилигини тартибга солиш индикаторлари;
- иш билан банд бўлмаган аҳоли ва ишсизларни рўйхатга олиш статистикаси таҳлили, мос келадиган ишларни танлаш натижадорлиги, рўйхатга олинган ишсизларга ижтимоий кафолатларни тақдим этиш;
- махсус дастурлар, иш билан бандликни таъминлаш лойиҳалари, фаол иш билан бандлик сиёсати чораларини реализация қилишнинг миқдорий ва таркибий кўрсаткичлари;
- меҳнат бозорида ва иш билан бандликка кўмаклашиш соҳасида аҳолига ихтисослашган хизматларни тақдим этишнинг сифат кўрсаткичлари;
- иш билан бандлик соҳасида фаол сиёсат тадбирларини ўтказиш ва молиявий-ташкилий таъминлаш таҳлили;
- иш билан бандлик сиёсати, махсус дастурлар, лойиҳалар ва тадбирларни реализация қилиш жараёнида аҳолига хизмат кўрсатиш ва бошқа ижтимоий хизматларга мурожаат қилувчи ижтимоий-демографик гуруҳлар, касбий ва жамоат ташкилотлари, иш берувчилар билан давлат иш билан бандлик хизматининг ўзаро муносабати даражасини эксперт баҳолаш.

Давлат иш билан бандлик хизмати фаолияти самарадорлигини баҳолаш умумлашган тизим ёки бир қанча хусусий кўрсаткичлар гуруҳидан ташкил топган махсус моделлар кўринишида кўрсатилиши мумкин.

Самарадорликни баҳолашда давлат иш билан бандлик хизмати фаолиятининг у ёки бу кўрсаткичи қиймати улар фаолиятининг аниқ шароитларида амалда фойдаланиш жараёнида аниқланади. Худудий иш билан бандлик хизмати фаолияти натижаларининг мезонлари, иш билан бандликни таъминлаш бўйича асосий вазифаларга мос ҳолда қабул қилинган мақсадларга эришиш даражасини танлаш муҳим масала бўлиб қолмоқда.

Миқдор ва сифат ўлчови сифатида самарадорлик кўрсаткичларининг кўп ўлчовли тизими худудий иш билан бандлик хизмати органлари таркибий қисмларига мувофиқ ишини баҳолаш воситаси бўлиб, амалий фаолият ҳолати ва динамикаси тўғрисида фикр юритиш мумкин.

Бу иш давлат иш билан бандлик хизмати томонидан иш берувчилар ва ёлланувчиларнинг самарали ўзаро муносабатлари ва ҳамкорлигини таъминлаш мақсади ҳисобланади ва куйидагиларни ўз ичига олади:

- фуқароларни ишга жойлаштириш имкониятлари тўғрисида, иш берувчиларни эса меҳнат бозори ҳолати ва конъюнктураси ҳақида ахборотлар билан таъминлаш;
- худуд доирасида касбий таълим ва иш жойларини ўз ичига олувчи турли хил кўринишдаги ва шаклдаги машғулотларни кенг миқёсда танлаш имкониятларини фуқароларга тақдим этиш;
- иш берувчиларнинг талабномалари бўйича зарур ишчиларни танлаш;
- ишчилар ва мутахассислар учун бўш иш жойлари ярмаркасини ўтказиш ва очи меҳнат бозорида бошқа шаклдаги иш жойлари билан таъминлаш.

Ишсизларни иш билан бандлигига кўмаклашиш ва таъминлаш тадбирлари куйидагилардан иборат: мувофиқ ишларни танлаш; вақтинчалик ишга жойлаштиришга кўмаклашиш хизматлари, касбий таълим, ўз-ўзини иш билан банд қилиш, янги иш жойига ўтиш ва ишлаш имкониятлари тўғрисида ахборот ва маслаҳат бериш; доимий иш қидиришда қийинчиликларни бошидан

кечираётган ишсизларни меҳнат бозорига меҳнат ва ижтимоий мослаштириш мақсадида вақтинчалик, зарур ва жамоат ишларини ташкил этиш ва ўтказиш.

2. Меҳнат бозорига мослашиш ва иш билан бандликни таъминлаш лойиҳалари ва дастурлари ҳамда махсус чорлар.

Уларга ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни реабилитацияси ва ишга жойлаштиришни оширишни мақсадли тадбирларини ўтказиш, меҳнат бозорида босимнинг кучайиши шароитида уларнинг иш билан бандлигини ҳимоялаш тегишлидир. Улар ижтимоий ҳимояланмаган аҳолининг турли гуруҳларига кўмаклашиш ва иш билан бандлик соҳасида давлат сиёсатини ўтказиш устуворлиги билан мувофиқликда уларни иш билан таъминлашга йўналтирилган. Уларга қуйидаги чора-тадбирлар тегишлидир: меҳнат тавсияларига эга ногиронлар, малакасиз ёшлар, ёш болали аёллар учун иш жойларини квоталаш; ижтимоий ҳимояланмаган фуқароларни ишга жойлаштириш учун иш жойларини яратиш; ўспиринлар ва ўқиётган ёшлар, ўқув юртлари битирувчиларини вақтинчалик ишга жойлаштириш; меҳнат бозорига мослашишнинг махсус дастурларини реализация қилиш; узоқ давр мобайнида иш жойига эга бўлмаган кишиларни ижтимоий мослаштириш ва ишга жойлаштириш бўйича тадбирлар.

3. Фаол иш билан бандлик сиёсатини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар.

Бундай чора-тадбирлар асосан меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва таклиф мувозанатига эришиш, ишчи кучи рақобатбардошлигини ошириш ва ишсизликни қисқартириш, ишчи кучини самарали иш билан бандлигини таъминлаш, ўз-ўзини иш билан банд қилиш, замонавий иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш жараёнида оммавий ишсизликни бартараф қилишга йўналтирилган.

Ушбу чора-тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олади: аҳолини касбга йўналтириш, иш билан банд бўлмаган фуқароларни касбга ўқитиш ва қайта ўқитиш, ишдан озод қилинаётган ишчилар малакасини ошириш; фаолият юритаётган корхоналарда иш жойларини қўллаб-қувватлашни ўз ичига олувчи иш билан бандликни иқтисодий рағбатлантириш чорлари; янги иш жойларини яратиш ва замонавий тармоқларга мослаштириш, ишдан бўшатилиш хавфи бўлган ишчиларга кафолатларни тақдим қилиш. [3,4]

4. Рўйхатга олинган ишсизлар учун ижтимоий кафолатлар.

5. Иш билан бандлик сиёсати чораларини ўтказиш ва уни молиявий-ташкилий таъминлаш. [5]

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар тизими ҳудудий иш билан бандлик хизматининг ўзига хос шарт-шароитлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўшимча умумий ва хусусий кўрсаткичлар билан тўлдирилиши мумкин.

Меҳнат бозорини тартибга солиш даражаси ва меҳнат воситачилиги, иш билан банд бўлмаганларга кўмаклашиш самарадорлиги ва ишсизларни ишга жойлаштиришни тавсифловчи кўрсаткичлар ҳамда меҳнат бозоридаги умумий ҳолат устидан иш билан бандлик хизматини назорат этиш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар ташкилотнинг меҳнат воситачилиги ва мурожаат қилган аҳолига ахборот хизматлари, иш билан банд бўлмаганлар ва ишсизларни ишга жойлаштириш натижаларининг умумий ва нисбий даражасини тавсифлайди.

Хулоса қиладиган бўлсак, иш билан бандлик хизмати ташкилий тузилмаси фаолиятини такомиллаштиришни баҳолаш соҳасидаги ишлар ҳар бир ходимга ҳақиқатда бажарилган иш юкмасини нормативга мувофиқлигини солиштириш зарур. Бунда нормативларни ишлаб чиқишда шуни ҳисобга олиш зарурки, регламентга асосланган функцияларни тўлиқ бажарилиши ва ўрнатилган иш технологиялари доирасида иш билан бандлик сиёсатини режалаштирилган чора-тадбирларини ўтказиш шароитида объектив тарзда ҳисоб-китобини амалга ошириш керак.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдурахмонов К.Х. Экономика труда: теория и практика // Учебник. Переработанное и дополненное 3-е издание: Т.: ФАН,– 2019. – 592 с.
2. Мансурова Н.Ш. Экономическая активность, безработица и занятость среди женщин: // Иқтисодиёт ва таълим :-2022: (5): 75-79.
3. Mansurova N.Sh., Norboyev A.I. Conceptual Bases of Formation of Innovative Types of Employment in the Labor Market // JournalNX. – 2021. 287-291p.
4. По оценкам МОТ, а также согласно данным ВБ.2021
5. Источник: Оценочные данные Международной Организации Труда; Всемирные индикаторы развития ВБ.(www.uz.undp.org).

